



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 26 ноябрь, № 247 (9142)

Чоршанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САМАРҚАНД АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР, ТУРИСТЛАР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ЖОЗИБАДОР ҲУДУДГА АЙЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Самарқанд вилоятига ташриф буурди.



Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифини таомилга кўра, Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан мазкур мажмуа буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тугган юксак макъеи, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди. Умумий майдони 45 гектарни ташкил этадиган ҳудудда улкан мақбара, 10 минг кишилиқ масжид ва маъмурият биноси, музей, кириш ва чиқиш айвонлари қурилди. Зиёратгоҳнинг 4 бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклиги эътиборга олиниб, мажмуада инновацион музей ташкил этилди. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади.

Мажмуа аввал бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир 65 минг нафар меҳмонга халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, ҳудудда Имом Бухорий халқаро илмий-тадиқот

маркази ва Ҳадис илми мактаби жойлашган.

Зиёратгоҳ атрофида 570 миллиард сўм маблағ сарфланиб, меҳмонхоналар ва савдо-сервис нуқталари ташкил этилди. Бунда 1 та тўрт юлдузли, 2 та уч юлдузли меҳмонхоналар ҳамда 22 та оилавий меҳмон уйи қурилган. Мазкур объектлар тўлиқ коммуникация тармоқлари билан таъминланиб, ҳудуди ободонлаштирилган. 2026 йилга қадар ҳудудда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда автотураргоҳларни ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий зиёратгоҳи халқимизнинг бой маънавий мероси ва бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлганини таъкидлаб, мажмуада айни пайтда олиб борилаётган сўнгги ободонлаштириш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш юзасидан масъулларга топшириқлар берди.

Президентимиз Окдара тумани Дахбед шаҳарчасида жойлашган Маҳдуми Аъзам мажмуасида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг март ойида вилоятга ташрифи чоғида Маҳдуми Аъзам қадамжосини обод қилишга оид лойиҳа билан танишган эди.

Асли ҳозирги Косонсой туманида туғилган сўфий олим нақшбандия таълимотининг раҳнамоларидан бири

бўлган. Ёшлик чоғларида Фарғонадаги мадрасада савод чиқариб, Самарқандда Хожа Ахрор Валийнинг шогирди мавлоно Муҳаммад Қозий кўлида пирлик даражасига етишди. Кейинчалик ўзи тарикат илмига доир 30 дан зиёд асарлар ёзган, кўплаб шогирдлар етиштирган.

Бу зотга илм йўлидаги хизматлари учун Маҳдуми Аъзам унвони берилди. Илм ва дин йўлидаги узоқ сафардан сўнг Самарқандда абадий кўним топган.

Самарқанд ҳукмдори бўлган Ялангтўш Баҳодир Маҳдуми Аъзам қабри устида дахма қурдирган ҳамда бу ерда йирик масжид, илм толиблари учун мадраса барпо қилган. У вафот этганидан сўнг ўз васиятига кўра, шу ерда дафн этилган. Умуман, зиёратгоҳда 50 дан зиёд қабр-тошлар сақланган бўлиб, аксарияти кимнинг шарафига қўйилгани аниқланган. Бу ерда кўплаб алломалар қаторида икки нафар Афғонистон ҳукмдори (Шоҳ Ҳидоят ибн Шоҳ Қосим (1668 йил), Шоҳ Саодат ибн Шоҳ Ҳидоят) ҳам дафн этилган.

Аллома мангу кўним топган зиёратгоҳда лойиҳа доирасида кенг кўламли реконструкция ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳининг умумий майдони қарийб 5 гектарни ташкил этади. Бу масканга келувчи зиёратчилар ҳам кўп. Уларга шароитларни яхшилаш мақсадида

Маҳдуми Аъзам мақбараси ёнида уч қаватли замонавий автотураргоҳ, кириш дарвозаси, қушхона ва маъмурий бинолар, таҳоратхона, минг кишилиқ масжид ва қўшимча айвонлар қурилмоқда.

Таъмирлаш ишларидан сўнг бир вақтнинг ўзига 35 минг зиёратчинини қабул қилиш имконияти яратилади. Авваллари 5 минг зиёратчи қабул қилинган.

Шунингдек, ҳудудда зиёратчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 40 дан ортиқ савдо ва сервис объектлари ташкил этилади.

Аллома ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди. Президент зиёратгоҳда дарахт экди.

Зиёратгоҳни янада ободонлаштириш, боғда кўп йиллик дарахт қўчатлари ўтказиб, ташриф буюрувчилар учун қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасида ҳам бўлиб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов мақбарасига гул қўйди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд — Ургут янги темир йўли линиясида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ушбу темир йўли қурилиши жорий йил февраль ойида бошланган бўлиб, умумий узунлиги 55 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида иккита вокзал, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида иккита юк станцияси ҳамда бир қатор кўприклар барпо этилди. Эътиборлиси, мазкур линияни келгусида тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Янги йўналиш икки жуфт шаҳарлараро поезд ва тўққиз жуфт юк поезди қатновини таъминлаш имкониятига эга. Лойиҳани шу йил охирига қадар якунлаш кўзда тутилган. Поездлар қатнови йўлга қўйилиши орқали йилига 359 минг йўловчи ва 8,2 миллион тонна юк ташиш имкони яратилади.

Йўналиш Самарқанд шаҳри, Тойлоқ ва Ургут туманлари аҳолиси учун хавфсиз ва замонавий транспорт хизмати тақдим этиши билан аҳамиятли. Шунингдек, икки туризм ривожига ҳам катта туртки беради.

Темир йўли инфратузилмаси иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, ушбу лойиҳа “Ургут” эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Янги йўналиш ишга тушиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик

вакиллари билан бирга мазкур йўналишда ҳаракатланувчи поездда Ургутга борди.

Сафар чоғида Президентимиз темир йўли инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш, темир йўллари электрлаштириш ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга қўшимча топшириқлар берди. Шунингдек, йўл бўйлаб амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишларига эътибор қаратди.

Ургут тумани катта салоҳиятга эга ҳудуд сифатида тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани таъкидланди. Бу ердаги аҳоли ишбилармон, тадбиркорлик руҳи кучли. Мамлакатимиз иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бундай ҳудудларни ривожлантиришда эса замонавий логистика ва инфратузилма халқчилар омили ҳисобланади.

Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни кечлаб турган тўсиқлар, логистик “трюмб”лар бартараф этилади. Юк ташиш тезлашади, маҳсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қулайликлар янада ортиб, ҳудуднинг рақобатбардошлиги ошади.

Энг муҳими, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшиланади, тадбиркорлик фаоллашади.

Таъкидланишича, мазкур лойиҳа темир йўли тармоғини модернизация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу жараёнда ишларни ўз вақтида ва юқори сифатда амалга ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда харажатларни оптимallashtiriш зарурлиги айтилди.

Сафар чоғидаги суҳбатда давлатимиз раҳбари Самарқандда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг одамлар ҳаётидаги ижобий акси кўзга яққол ташланаётгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари сифатида тарбиялаш ҳақида сўз юритди. Ургутгача тортилган темир йўлга туташ ерларни ўзлаштириш, уларда қишлоқ ҳўжалиги маданиятини юксалтириш, таълим соҳасида, шу жумладан, қўшни давлатлар билан халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Ургут вокзали янги йўналишнинг асосий нуқталаридан бири. Президентимиз вокзал инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш тизими ва йўловчилар ҳаракатини ташкил этиш

масалаларига эътибор қаратди. Туристлар учун қулайликларни яхшилаш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ургут тумани фаоллари билан самимий мулоқот ўтказди. Суҳбатда ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи ва тинчлик қадри ҳақида фикр алмашилди.

Одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, даромад ва фаровонлиқни ошириш, маҳаллаларни обод қилиш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгиланаётгани таъкидланди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, транспорт ва энергетика соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Нуронийлар бу ўзгаришлар аҳоли ҳаётида сезиларли натижа бераётгани, халқимиз ислохотларга юқори баҳо бераётганини таъкидлади.

Шунингдек, Президентимиз вокзал атрофида аҳоли фаровонлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жозибдорлигини оширишга қаратилган қўшимча лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди. Тадбиркорлар ташаббуси асосида яқин ҳудудларда автовокзал, чойхона, экзобозор, тураржой бинолари, хусусий мактаб ва боғчалар барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу ишлар амалга оширилиши натижасида аҳолига янги хизмат турлари яратилади, ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси яхшиланади, тадбиркорлик муҳити янада фаоллашади. Энг муҳими, 350 нафарга яқин фуқароларнинг доимий бандлиги таъминланиб, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига қўшимча туртки берилади.

Давлатимиз раҳбари Ургут туманидаги “Ferre Group” корхонасининг маиший техника ишлаб чиқариш лойиҳаси фаолияти билан танишди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонасидаги мазкур корхона кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулай имконият ва ишончли инвестиция муҳити натижасида ташкил этилган замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси саналади.

Дастлаб хориждан келтирилган бутловчи буюмлар асосида бир неча турдаги маиший техника воситаларини йиғиш билан фаолият бошлаган корхона бугунга келиб музлаткич, газ плита, кичик печь, чангютик, дудбурон ва бошқа уй-рўзгор буюмлари, замонавий темир эшиклар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда мустаҳкам ўринга эга йирик компанияга айланган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Ф А Р М О Н И

А. М. БОБОВНИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА
ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **АдиЗ Музафарович Бобоев** Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 25 ноябрь

КўНГИЛГА БОРАР ЙўЛЛАР...



Бу дунёда турфа-турфа йўллар ичида сарсон, Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб борадир мудом инсон. Қабул айлаб ҳаётнинг бахт, дард тўла хатларини, Кечар экан токи умр гўзал бекатларини, Манзил томон элтгучи бу нури йиллар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Ҳамжиҳатлик илмин бунда ўқиб борса уйғоқ қалб, Боғланадир кўнгиллардай бунда яна Шарқу Фарб. Дийдор сабаб руҳ ўсадир, шодлик, севинч жонларан, Ҳар юракда умидларнинг байрами нишонларан. Тинч давронга зеб бергучи Ўнгу сўллар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!



Кўрдим ойдин оқшомларда, сездим оппоқ сахарлар, Юртим аро очар чирой қишлоқлару шаҳарлар. Бир нафаслик йўлга дунди олис масофалар хуш, Ахир унда елиб борар замонавий учқур қуш. Шу қушларга қанот берган ажиб қўллар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Эзгуликни байроқ қилиб, яхши ният айлаб жо, Миллат келар, қучоғингни кенгроқ очгин, эй дунё! Кўхна тарих нафасидан олиб яна зўр илҳом, Истагидир бу йўлларни йўлларга қўшмоқ мудом. Орзуларни ушалтирган чин сурурлар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Аждодлардан анъанадир унутилмас бу сабоқ: Йўл қурмоқ, дил боғламоқ, бирлашиб Ватан бўлмоқ. Минг эъозга лойиқ ахир шу йўриқни ўқса ким, Заҳматкаш халқ огирини олиб олға чиқса ким. Бу улкан бахт кимга ёрдыр, ёр ғурурлар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Сурур

Бепоен кенгликларга тикилдим бугун мағрур, Бир ҳис бағишлади қалбим, кўксимга сўнмас ҳовур. Йўллар кетар бунда гулгун тоғ-адир оша яна, Самарқанддан Тошкент қадар, Нукусдан то Фарғона. Дедим, шу йўлларга умр сочган гуллар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Қалқиб турган оламда не қолгай инсон изидан, Қилган яхши амалидан, айтган илиқ сўзидан?! Шараф эрур ортида гар Она замин, эл қолса, Меҳр билан, шодлик билан боғлаган бир йўл қолса. Шу тилақни англаган ул ёруғ диллар бор бўлсин, Кўнгиллардан кўнгилларга борар йўллар бор бўлсин!

Ўткир РАҲМАТ.

САМАРҚАНД АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР, ТУРИСТЛАР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ЖОЗИБАДОР ҲУДУДГА АЙЛАНДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ерда “Dorsa”, “Kleo”, “Ferre” каби брендлар остида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги билан тайёрланаётган маҳсулотлар Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжонга экспорт қилинмоқда. Ички бозордаги рақобат муҳитида ҳам “Ferre” ўз ўрнини топган брендга айланган. Корхонанинг йиллик қуввати ҳозирда ўртача 440 миллиард сўмлик 250 минг дона маҳсулотни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил сайин ошиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш жараёнида “Embraco”, “LG”, “DOW”, “Midea” каби дунёдаги етакчи компаниялар материаллари ва бутловчи қисмларидан фойдаланилади. Бугунги кунда корхона маҳсулотларини маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 85 фоизни ташкил этади.

Лойиҳанинг умумий қиймати ўттиз миллион АҚШ доллари бўлиб, хорижий инвестиция ва банкнинг имтиёзли кредитлари жалб этилган. Мингга яқин иш ўринлари яратилган. Ишлаб чиқариш ускуналари Германия, Туркия, Италия ва Хитойнинг энг сўнгги русумдаги технологиялари ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнини кузатди, корхона масъуллари ва мутахассислар билан суҳбатлашиб, халқаро стандартларга мос маҳсулотлар турини ошириш ва хориж бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Бу борада давлат томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Ўз брендига асос солиб, юртимиз довуғини дунёга таратаётган тадбиркорлар доимо қўллаб-қувватланиши айtilди. Улар қўшимча қиймат яратиб, минглаб одамларни доимий даромадга эга қилмоқда.

— Тадбиркорни қўллаб-қувватламасдан янги Ўзбекистонни барпо қила олмаймиз. Агар сизлар тинимсиз изланиб, бирлашсангиз, Самарқандда камбағал деган қатлам қолмайди. Ҳарақатда бўлиб, Ўзбекистон номини жаҳонга танитишдек имкониятга эгасиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари “Ургут” эркин иқтисодий зонасида бу каби ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш орқали қўшимча қиймат яратиш ва янги иш ўринлари очилишининг муҳимлигини таъкидлаб, масъулларга топшириқлар берди.

Шу ерда Президент инвестиция лойиҳалари, Самарқанд вилоятидаги етакчи sanoat корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Тақдимотда солиққни сақлаш, тоғкон sanoati, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, технопарк, иппакчилик ва металлургия йўналишларидаги қатор лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Самарқанд шаҳрида Туркиянинг нуфузли компаниялари билан ҳам-

корликда давлат-хусусий шериклиги асосида кўп тармоқли шифохона ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилади. Ушбу лойиҳа доирасида 1 минг нафар иш ўрни яратилади.

Булунгур туманида эса Хитой компанияси билан тиббий препаратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу лойиҳа доирасида ҳам 1 минг нафар одамнинг бандлиги таъминланади.

Шунингдек, Хитой компанияларининг Ургут туманида ипак толаси ҳамда мато ишлаб чиқариш, Нуробод туманида технопарк махсус sanoat зонасини ташкил этиш, Самарқанд шаҳрида пўлатни эритишда фойдаланиладиган химёвий қотишмалар тайёрлаш, Пастдарғом туманида кўчма иншоотлар ясаш каби лойиҳалари тақдим этилди.

Лойиҳаларни ўз вақтида сифатли ва тезкор амалга ошириш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Шундан сўнг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ўтказилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, аввало, вилоят жамоатчилиги билан қўришиб турганидан мамнунлигини таъкидлади. Вилоятда эришилган ютуқлар ва ҳали ишга солинмаган имкониятларга тўхталди.

— Ўзида кўп минг йиллик тарих ва қадриятларни муҳассам этган, замонавий меъморчилик анъаналарини асосида кундан-кунга чиroy очиб бораётган бу улуг замин дунё цивилизациясида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда, — деди Президентимиз.

Хусусан, “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази барпо этилгани, 40 дан зиёд муқаддас зиёратгоҳлар обод бўлгани, “Самарқанд” халқаро аэропорти янгидан қурилгани, ўнлаб халқаро бренд меҳмонхоналар иш бошлагани вилоят туризм салоҳиятини янги босқичга олиб чиқди.

Самарқанд сўнгги йилларда сиёсий, иқтисодий, туризм ва бизнес марказига, қўллаб йирик халқаро тадбирлар, форум ва анжуманлар учун мулоқот майдонига айланди.

Шу йилнинг ўзида бу ерда 40 дан ортиқ нуфузли халқаро анжуманлар ташкил этилгани, айниқса, яқинда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилгани чиндан ҳам улкан воқеа бўлди.

Умуман, туризм ва унга турдош соҳаларга 1 миллиард доллар инвестиция киритилгани учун вилоятга сайёҳлар оқими 2016 йилгидан 7 карра ўсди, туризм хизматларининг экспорти 600 миллион долларга етди.

Бугун вилоят нафақат туризмдаги, балки sanoat, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатишдаги улкан салоҳияти билан инвестор ва тадбиркорлар учун чинакам жозибадор масканга айланиб бормоқда.

Ўтган саккиз йилда вилоятга 12 миллиард доллар инвестиция ки-

ритилди, 600 минг доимий иш ўрни яратилди, тадбиркорлар 2 карра кўпайди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг сони 1,5 баробар, sanoat ҳажми 1,7 баробар ўсди. Йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошган корхоналар сони 81 тага етди. 55 та давлатдан хорижий инвесторлар иш бошлади, чет эл иштирокидаги корхоналар сони 700 тага яқинлашди.

Хизматлар йилига ўртача 15 фоиздан ўсяпти, бу йил сервис ҳажми 75 триллион сўмга етди.

Шунингдек, 2024 йил ва жорий йилнинг 10 ойида 15 миллион квадрат метрли уй-жой ва тижорат объектлари барпо этилди. Самарқандлик қурувчилар республика бўйича йилига 4,5 миллион квадрат метрли бино-иншоотлар қурапти.

Вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 2016 йилда 23 триллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 120 триллион сўмга етиши кутилмоқда.

Одамлар вилоятда амалга оширилган ишлар ҳисобига оиласида катта ижобий ўзгаришлар бўлганини айтмоқда.

Масалан, ўтган даврда 2 триллион сўмлик 3 минг 200 километр ичимлик суви ва канализация тармоқлари қурилди.

— Бир сўз билан айтганда, Самарқандни аҳоли ва тадбиркорлар учун ҳам, туристлар ва инвесторлар учун ҳам жозибадор ҳудудга айлантира олдик, — деди Президентимиз.

Республика туманлари ичида аҳолиси энг кўп Ургутда 600 мингдан ортиқ одамлар истиқомат қиляпти.

— Ургут тумани узоқ йиллардан бери вилоят қишлоқ ҳўжалигида етакчи. Адир ва тошлоқ ерда “Ургут” эркин иқтисодий зонасини ташкил қилганимиз, 860 миллион долларлик 74 та лойиҳа ишга тушгани натижа-сида Ургут sanoatлашган ҳудудга айланди, — деди давлатимиз раҳбари.

Sanoat ривожланиши савдо ва сервисга ҳам катта туртки берди. Ҳозир Ургут вилоят sanoatида учинчи ўринда, сервисда эса тўртинчи ўринда.

Бугун Ургутда яна бир тарихий воқеа — 55 километр темир йўл линииси ишга туширилди. Ушбу тармоқни электрлаштириш ишлари келаси йил тўлиқ якунига етказилади. Бу, аввало, аҳолига янада қулай шароит яратиш билан бирга sanoat, қишлоқ ҳўжалиги ва сервисда янги имкониятлар эшигини очиб беради.

Ҳудуддаги аҳоли уй-жой, канализация, ичимлик суви, мактаб, боғча, шифохона, бизнес инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар ечимини анчадан бери кутаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун Президентимиз Ургут марказига “Янги Ўзбекистон” қиёфасини олиб кириб, юртимиздаги энг замонавий ва кўркам шаҳарлардан бирига айлантириш бўйича алоҳида қарорни имзолади.

Тумanning Қуйи Камангарон маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” мас-

сивига туташ ҳудуддан 90 гектар қўшимча жой ажратиб, замонавий урбанистика асосида 100 минг аҳолига мўлжалланган экошаҳар барпо этилиши эълон қилинди.

Янги шаҳарда йўл, сув, канализация, электр, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, тадбиркорлик лойиҳалари учун 50 миллион доллар ажратилади.

Янги шаҳарнинг 3 гектар майдонида туманинг 35 та ташкилоти учун ягона маъмурий марказ қуриб берилади. Уларнинг бўшаган бинолари эса бизнес учун хусусий секторга тақлиф қилинади.

Яна бир янгилик — Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Тойлоқ ва Самарқанд туманларидаги 17,5 минг гектар ҳудуд Самарқанд шаҳрига қўшиб берилади. Бунинг ҳисобига Самарқанд шаҳри аҳолиси 604 мингдан 882 мингга етади.

Шу боис аҳолиси ва даромади кундан-кунга ўсиб бораётган Самарқанд шаҳрида замонавий уй-жойларга бўлган талабни таъминлаш учун 3 та йирик массив ташлаб олинди. Жумладан, “Ширин” массивида 180 минг, “Темир йўлорти” ҳудудида 100 минг, “Қорасув-2” массивида 30 минг аҳоли учун 700 дан ортиқ замонавий кўп қаватли уйлар барпо этилади.

Бу ерларда мактаб, боғча, олийгоҳ ва шифохона, замонавий бизнес ва савдо маркази, меҳмонхона ва ресторан, кўнгилочар масканлар ҳам қурилади. Испаниялик инвесторлар билан хусусий шериклик асосида ушбу 3 та массивнинг канализация тизими янгиланади.

Шаҳарда юк транспорти ҳаракатини камайитириш мақсадида Оқдарё, Тойлоқ ва Самарқанд туманларидан ўтувчи магистраль йўл бўйида 4 та логистика маркази барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари Ургут мисолида имкониятларни таҳлил қилиб, вазирлар ва ҳокимлар олдига кейинги йил учун аниқ вазифаларни қўйди.

Сессияда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди.

— Биз юртимизда инсон қадрини улуғлаш, иқтисодийётни барқарор ўстириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича катта-катта мар-ра ва режаларни оляпмиз. Бу ишларни ташкил қилиш учун вилоятга замонавий фикрлайдиган, муаммоларни тизимли таҳлил қилиб, инновацион ечим бера олишга салоҳият-ли раҳбар керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келаятган Адиз Бобоев номзодини тавсия этди.

Вилоят фаоллари, депутатларнинг номзод ҳақидаги фикрлари тинглангач, вилоят ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Овоз бериш натижаларига кўра, Адиз Бобоев вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз янги ҳокимга у иш ўрни яратиши, камбағалликни қисқартириш, инвестиция ва экс-

портни кўпайтириш, таннархни камайитириш ҳамда энергия тежамкорликни ошириш бўйича Самарқандни намунали ҳудудга айлантириши шартлигини кўрсатиб ўтди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари масъулларнинг ҳисоботлари ва режаларини тинглади.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида Рақамли солиққни сақлаш маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиаллари фаолияти билан танишди.

Охириги бир йилда мамлакатимизда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилди. Бу ишларни йўлга қўйиш мақсадида Солиққни сақлаш вазирлиги тизимида Рақамли солиққни сақлаш маркази очилди.

Ушбу марказнинг Самарқанддаги филиалида олиб борилаётган ишлар давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида рақамлаштириш ишларининг бориши, касалликлар, беморлар ва дори воситалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ишлов бериш учун қўлланилаётган дастурий ечимлар ва сўний интеллект технологиялари, буларнинг барчаси амалда қандай натижалар бераётгани тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Жумладан, соҳада “DMED” ягона электрон ахборот платформаси ишга туширилиб, унга 36 миллион нафардан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилди. Тез тиббий ёрдам хизматида электрон бошқарув йўлга қўйилиб, қақирқиларга етиб бориш вақти қисқармоқда.

Шунингдек, “Электрон рецепт” тизими фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида ортиқча дори ёзиш ҳолатлари 40 фоизга камайди, дори воситаларининг айланмаси шаффофлашди.

Мамлакат бўйлаб давлат тиббиёт муассасалари замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминланди, ягона рақамли инфратузилма шакллантирилди. Уч мингдан ортиқ тиббиёт муассасалари локал тармоқ билан таъминланди. Минглаб янги компьютерлар харид қилиниб, техник база янгиланди.

Президентимиз рақамлаштириш орқали солиққни сақлаш билан боғлиқ барча аналитик маълумотларга эга бўлиш давлат учун муҳимлигини, бу — тиббиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгиллаш, соҳада маблаг ва ресурсларни тўғри тақсимлаш, дори-дармон муомаласини тартибга солиш ва коррупция ҳолатларига барҳам беришнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади. Мутасаддиларга бу борадаги ишларни тизимли давом эттириш бўйича кўрсатмалар берди.

— Беморлар оқими, касалликлар тузлиши, даволаш сифатини чуқур таҳлил қилиб борсак, биз тизим са-

марасини янада ошира оламиз, — деди Президентимиз.

Дори воситалари берилишини шаффоф ва тизимли қилиш, шунингдек, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Юртимизда юрак-қон томир касалликларини эрта аниқлаш ва юқори технологияли тиббий хизматларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда бўлгани каби Кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали ҳам тубдан янгиланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишди.

Марказни ривожлантириш учун жами 52 миллиард сўм йўналтирилиб, кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Бугунги кунда марказ 100 ўринли шифо масканига айланган бўлиб, 262 турдаги тиббий ускуналар билан таъминланган.

Хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида мобиль диагностика тизими йўлга қўйилиб, етти минг нафарга яқин беморларда коронарография амалиёти ўтказилди. Лойиҳа доирасида реанимация бўлими, ситуация марказ ва кутиш зали ҳам замонавий тарзда барпо этилди.

Марказда Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Кардиохирургия йўналишида клиник ординатура фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий мутахассисларнинг малакаси оширилмоқда.

Янги имкониятлар туфайли юқори технологияли тиббий хизматлар қўлами сезиларли кенгайди. Хусусан, юрак-қон томир операцияларининг сони йил давомида 383 тадан 590 тагача ортди.

Давлатимиз раҳбарига “Инфаркт ва инсультга қарши кураш” миллий дастури тақдимоти давомида юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликлар бўйича статистика, 5 йиллик касалланиш динамикаси, Европа стандартларига мос миллий дастурлар ҳамда тажриба-синов лойиҳаси натижалари ҳақида ахборот берилди.

Ушбу касалликларни барвақт аниқлаш, олдини олиш ва даволаш бўйича ишлаб чиқилган беморларни йўналтириш (маршрутизация) тизими тақдимот қилинди.

Президентимиз бундай марказлар тиббий хизмат сифати ва аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим ўрин тутиши, Самарқандда яратилган тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Бекхўз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА Махсус мухбирлари.

РАҚАМЛИ ЗЎРАВОНЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Ҳар йили 25 ноябрь — Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш халқаро кунидан то 10 декабрь — Инсон ҳуқуқлари кунига қадар дунё бўйлаб “Тендер асосидаги зўравонликка қарши 16 кунлик фаоллик” глобал кампанияси ўтказилади.

Глобал ташаббус

Мазкур ташаббус доирасида жорий йил БМТ томонидан кампания “Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўравонликка барҳам бериш учун бирлашайлик” мавзuida ташкил этилиши белгилан берилган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу глобал ташаббус анъанавий равишда қўллаб-қувватланиб, мамлакат микёсида турли йўналишлардаги тадбирлар ва мулоқотлар кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиб келинмоқда.

2025 йил 24 ноябрь куни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан БМТ тузилмалари ҳамкорлигида “Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўра-

вонликка барҳам бериш учун бирлашайлик” акциясига старт берилди.

Тадбирни очган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева хотин-қизларни ҳар қандай зўравонликдан, хусусан, рақамли макондаги таҳдидлардан химоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб, зўравонликка қарши кураш узлуқсиз жараён эканини қайд этиб ўтди.

Унинг таъкидлашича, айрим зарарли стереотиплар жамиятда урф-одат сифатида талқин қилиниши мумкин, аммо инсон ҳуқуқларини бузадиган бундай тасаввурларни бартараф этиш муҳим вазифа ҳисобланади. “Ҳеч қандай стереотип зўравонлиқни оқлай олмайдми”, дея таъкидлади Сенат Раиси ўз сўзида.

Тадбирда вазирлик ва идора-

лар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, халқаро экспертлар ва БМТнинг Ўзбекистондаги агентликлари ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабин Махл мамлакатда оиладаги зўравонлиқни жиноят деб белгиллаш, химоя хизматларини қучайтириш каби ислохотлар рақамли зўравонликка қарши кураш учун муҳим база яратишини таъкидлаб, рақамлашув ортиб боргани сайин конун ва хизматларни ҳам такомиллаштириш зарурлигини қайд этди.

“БМТ-аёллар” тузилмаси Марказий Осиё Мувофиқлаштирувчи офиси раҳбари Жерен Гувен Гуреш глобал рақамлашув тез ўсишига қарамай, дунёда онлайн ва технологиялар воситасидаги зўравонлик ҳолатларининг катта қисми яширилган ҳолда қолишини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра,

2025 йилга қадар 117 мамлакат рақамли зўравонликка қарши чоралар кўраётган бўлса-да, бу трансмилий таҳдидга жавоблар ҳали ҳам тарқоқ ва мувофиқлаштирилмаган ҳолда қолмоқда.

Тадбир иштирокчилари рақамли маконларни барча хотин-қизлар учун хавфсиз, соғлом ҳамда имкониятлар яратадиган муҳитга айлантириш учун мувофиқлаштирилган ҳаракатларни қучайтириш зарурлигини айтиди ва рақамли зўравонликка қарши курашиш бўйича тақлиф ҳамда ташаббусларни билдирди.

Кампания доирасида 25 ноябрдан 10 декабргача мамлакатнинг барча ҳудудида “Хотин-қизларга нисбатан рақамли зўравонликка барҳам бериш учун бирлашайлик” мавзuida турли тадбирлар, мулоқот майдонлари, ўқув семинарлари ва ахборот кампаниялари ўтказилади.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Ўзбекистон — Япония: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда Япония Хиросима префектураси ассамблеяси раиси Такаши Накамото бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

Парламент дипломатияси

Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳам ташриф буюриб, Спикер Нуриддин Исмоилов билан учрашди. Дастлаб меҳмонлар Қонунчилик палатаси фаолияти билан таништирилди.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон — Япония парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Қонунчилик палатаси Спикери меҳмон томонига янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030”

стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Ўз навбатида, Т. Накамото самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Япония учун ишончли стратегик ҳамкор эканини таъкидлаб, сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган кенг микёс-ли ислохотларни юксак баҳолади.

Унинг фикрича, бугунги кунда Янги Ўзбекистон ортага қайтмас демократик ислохотлар ва прагматик

ташқи сиёсат йўлидан дадил қадам босиб, дунё ҳамжамияти билан очиқ ҳамда жадал мулоқот олиб бормоқда.

Делегация раҳбари, шунингдек, 2024 йил Хиросимада Ўзбекистоннинг фахрий консули тайинлангани ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга кенг имконият яратганини билдирди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш ва ҳудудларо ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳимлиги ургуланди.

Учрашув самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

ИСЛОМИЙ БАНК ФАОЛИЯТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси мажлисида қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.



Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий банк хизматларини жорий қилиш ва халқаро тажрибани инobatга олган ҳолда банк тизимини тараққий эттириш борасида талай ишлар бажарилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, жумладан, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантиришга қаратилган ишлар кўлами ҳам таҳсинга лойиқ.

Муҳокамаларда сенаторлар томо-

нидан молиявий хизматлар қамровини кенгайтириш, халқаро исломий молия стандартларига мувофиқ янги турдаги банк хизматларини жорий этиш жараёнида амалга оширилаётган тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш ва қўшимча харажатлар манбаларини жорий этишга зарурати юзага келаятидигани айтилди.

Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғри-

сида”ги қонунда исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия орқали банклар исломий молиялаштириш йўналишида хизматлар кўрсатиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантириш, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасидаги тадбирларни молиялаштириш ҳамда бошқа қатор тадбирлар учун қўшимча маблағлар ажратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми, Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертлар миқдорлари ҳам ўзгартирилмоқда.

Кўмита аъзолари ўз чиқишларида қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда исломий банк хизматларини босқичма-босқич жорий этишга, “яширин иқтисодиёт” улушини камайтиришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағларининг мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Онлайн мулоқот

Ҳамкорлик гуруҳлари учрашувлари самарали ўтди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Франция Республикаси Сенати ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳларнинг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Франция ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бу юқори даражадаги таширфлар ҳамда йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани билан изоҳланади. Иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш ва қатор тармоқларда ўзаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

тини тизимли йўлга қўйиш, ҳар йили камида бир марта уларнинг қўшма йиғилишларини ўтказиш ҳамда навбатдаги йиғилишини Ўзбекистон Республикасида ташкил этишга келишиб олинди.

Худди шундай форматдаги учрашув Ўзбекистон ва Покистон парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида ҳам ilk маротаба бўлиб ўтди.

Унда икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, стратегик шериклиқни чуқурлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаятгани, олий ва юқори даражадаги мулоқотлар изчил йўлга қўйилгани таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий ва маънавий умумийлиқни инobatга олган ҳолда маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва Аҳмад Фарғонийнинг бой илмий-маърифий меросини биргаликда ўрганиш, икки мамлакат дипломатик академиялари ўртасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштириш, ноёб асарларни таржима қилиш лойиҳасини амалга ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Тошкент, Исломобод ва Лаҳор шаҳарларида маданий тадбирларни изчил ўтказиб бориш, Бухоро ва Лаҳор ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқаларини фаоллаштиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Тошкент шаҳрида сўнгги кунларда қузатилаётган ҳавонинг юқори даражада ифлосланиши нафақат пойтахт аҳолиси, балки бутун жамиятимизда қучур ташвиш уйғотмоқда. Бу ҳолат пойтахтимизнинг экологик барқарорлиги, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги учун жиддий хавф солаётгани таҳлиллар ва мониторинг натижасида аққол кўринмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева бошчилигида вазиятга бағишланган йиғилишнинг ўтказилиши ва унинг натижаларига кўра давлатимиз раҳбари томонидан “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши айни вақтнинг талабидан келиб чиққан, масъул идоралар олдига аниқ, қатъий ва тизимли вазифаларни қўйган ниҳоятда муҳим воқеалиқдир.

Президентимиз Фармонида Тошкент шаҳридаги экологик вазиятни тубдан яхшилаш, ҳавонинг сифатини тиклаш ва келгусида бундай хавфли ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қатор устувор вазифалар белгиланган. Аввало, атмосфера ҳавосини ифлослантираётган объектлар устидан қатъий назорат ўрнатиш, меъёrlарни бузаётган ишлаб чиқариш объектларини вақтинчалик тўхтатиш ёки уларнинг фаолиятини чеклаш бўйича кескин чоралар кўриш ва-

фаси қўйилди. Шу билан бирга, қурилиш ишлари жараёнида экологик талабларга қатъий риоя этилишини таъминлаш, чангланмиш, чиқинди ва шовқин даражасини минималлаштиришга хизмат қиладиган замонавий механизмларни жорий этиш белгиланди.

Маълумки, яшил худудлар, дарактзор ва бутазорлар шаҳарларнинг “ўпқаси” саналади. Шу боис Фармонда шаҳар ҳудудида кенг кўламли қўқаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, яшил майдонларни кўпайтириш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича аниқ режа ишлаб чиқиш ҳам муҳим вазифа сифатида қайд этилди. Бундан ташқари, ҳаво сифатини мониторинг қилишнинг замонавий рақамли тизимини яратиш, реал вақт режимида маълумот тақдим этувчи сенсорлар ва станциялар тармоғини жорий қилиш орқали атмосфера ҳолатини доимий назоратга олиш механизмларини кучайтириш ургулланган.

Шу пайтга қадар шаҳар ҳавоси сифатининг бузилишида транспорт воситаларининг ҳам салмоқли улуши

борлиги айтиб келинаётган эди. Бу эса транспорт секторидан чиқаётган зарарли моддалар ҳажмини камайтириш, жамоат транспортини модернизация қилиш ва экологик тоза транспорт воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришни устувор вазифа сифатида кун тартибига чиқарди. Шунингдек, Фармонда маъишй ва саноат чиқиндиларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, ноқонуний полигонлар, чанг манбалари, ёнишлар ва бошқа ифлосланиш омилларини кескин қисқартириш бўйича аниқ чоралар белгиллаб берилди.

Энг муҳими, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида хавфсизлик чораларини кучайтириш, тиббий кўрсаткичлар мониторингини олиб бориш, эҳтиёжманд қатламларга бепул ҳимоя воситаларини етказиш ва профилактика тадбирларини жадаллаштириш белгиланди.

Фармонда тилга олинган вазифалар нафақат қисқа муддатли муаммоларни бартараф этишга, балки Тошкент шаҳрининг узоқ муддатли экологик стратегиясини шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси ўринбосари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. Шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масала ҳам муҳокамалар марказида бўлди.



Ижтимоий ва экологик масалалар — депутатлик корпуси эътиборида

Мажлис аввалида дастлаб ўтган ҳафтада юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим воқеаликларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, 19 ноябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар натижадорлиги атрофлича таҳлил қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгиллаб олингани қайд этилди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари энг кўп эътибор қаратаётган устувор йўналишлардан бири, бу — камбағаллик ва иссиқликни қисқартириш масаласи бўлаётгани, бундан қўзланган асосий мақсад муносиб иш ўринлари яратиш, оилалар даромадини ошириш ҳамда халқимиз учун фаровон ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат экани таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан бу борадаги ишларни ташкил этишнинг бешта асосий йўналиши ва уларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизмлари, молиявий манбалари ва ихро учун масъуллар белгиллаб берилгани алоҳида эътироф этилган ҳолда бу маҳалларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш имконини бериши айтилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар жойларда янада кенг имкониятлар яратишга, аҳолини юқори даромадли меҳнат фаолиятига жалб этиш орқали иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилиши ургуланди.

Ушбу масала бўйича сўзга чиққан сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари кунча қўқазилган фракциялар ва Кенгаш мажлисларида видеоселектор йиғилиши натижалари муҳокама қилиниб, ундан келиб чиқа-диган устувор вазифалар белгиллаб олингани алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, депутатлар ҳам сайлов округларида устувор мақсад ва йўналишларнинг мазмун-моҳиятини маҳаллий ихро органларига кенг тушунириши, бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар устидан тавсирчан парламент назоратини амалга ошириши лозимлиги айтилди.

Мажлисида давлатимиз раҳбарининг 24 ноябрдаги “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, унда кўзда тутилган асосий чора-тадбирларга эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда экологик барқарорлиқни таъминлаш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Фармон билан Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тўзилгани ва унинг зиммасига қатор муҳим вазифалар юклангани диққат марказида бўлди. Аввало, чанг кўтаришган кунларда саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда вақтинчалик чекловлар жорий қилиниши назарда тутилаётгани аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди.

Мажлисида ушбу Фармон Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган қатъий чора-тадбирларни белгилаш баробарида барча маъ-

уллар, жумладан, Экологик партия фракцияси, экофаолларнинг экологик барқарорлиқни таъминлашдаги фаоллигини янада кучайтириши қайд этилди. Депутатларнинг аҳоли билан учрашувларида мавжуд экологик ҳолат, унинг аҳоли саломатлигига таъсири ва профилактика қилиш усуллари бўйича тушунириш ишларини самарали ташкил этишга оид масалалар ҳам муҳокамалар марказида бўлиб, бу бўйича зарур чора-тадбирлар белгиллаб олинди.

Энди харидор ўзгартирилган ёки алмаштирилган одометр ҳақида маълумотга эга бўлади

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Маъмур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда. Хусусан, автотранспорт воситасининг босиб ўтган масофасини кўрсатувчи одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилганлиги ёки одометр ускунаси алмаштирилганлиги ҳақида автотранспорт воситасини реализация қилишдан олдин харидорни хабардор этмаганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

Шунингдек, вояга етмаганлар иштирокидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришда педагог ёки психологининг иштирок этиши талаби назарда тутилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида вояга етмаганлар билан боғлиқ ҳолатларда педагог ва (ёки) психолог иштирокини таъминлаш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) зиммасида бўлади.

Бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, адвокат ва қонуний вакилга судья ёки мансабдор шахсининг иштирокини рад қилиш ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатлар белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш ҳазоси бир ярим йилгача муддатга тайинланган бўлса, махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар тоифаси кўзда тутилмоқда.

Маъмур қонун лойиҳаси истеъмолчилар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш, суд ишларини кўришда уларни руҳий ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Муҳокамаларда қатор аниқлаштирувчи саволлар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан,

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов қонун лойиҳаси концепциясини маъқуллаган ҳолда ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида айрим муҳим масалаларга эътибор қаратиш зарурлигини билдирди.

Депутатнинг қайд этишича, аввало, одометр кўрсаткичини сохталаштирганлик учун жавобгарликни қўллаш механизмини аниқ белгиллаб олиш лозим. Яъни бу ҳуқуқбузарликни қайси ваколатли орган расмийлаштиради ва келгусида давлат назоратини қайси идора амалга оширади — шу масала аниқ ҳуқуқий ечимини талаб қилади. Иккинчидан, автотранспорт воситалари фақат иккиламчи бозорда эмас, балки суд қарорлари ёки ҳуқумларига асосан аукцион савдолари орқали ҳам сотилади. Бу жараёнларда ҳам одометр кўрсаткичининг ўзгартирилиши мумкинлиги инobatга олиниб, ҳуқуқбузарлик субъектини аниқлашда муаммолар юзага келмаслиги учун қўшимча тартиблар ишлаб чиқирилиш зарур. Учинчи масала эса истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Автомашина сотиб олувчи шахс истеъмолчи ҳисобланади ва бу муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Шу боис товар сифати, қайтариш ёки етказилган моддий зарарни қоплаш каби масалаларни қонун лойиҳасида аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқ.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров бугун Ўзбекистонда автомобилсозлик жадал ривожланаятганини эътироф қилган ҳолда айрим шахслар машина олди-сотдисини касбга айлантирилганини айтиб ўтди. Бу соҳадаги фибрибарликларни бартараф этиш муҳимлигини ургулди. Жумладан, машинанинг одометр ускунаси кўрсаткичлари ўзгартирилиб, автотранспорт “ёши”нинг кичик қилиб кўрсатилаётганидан аҳоли вакиллари жабр чекаётганини таъкидлади. Шу боис ушбу қонун лойиҳаси истеъмолчи ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқчил қонун бўлишини қайд этди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Робожон Маҳмудова қонун лойиҳаси кунча фракция йиғилишида ўрганиб чиқилгани, кўриб чиқиш жараёнида барча саволга жавоб олингани, депутатлар томонидан билдирилган таклифларнинг инobatга олиниши ушбу ҳужжатни янада такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитанинг ахбороти эшитилади

Кейинги йилларда мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп миллатли халқимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз фаровонлигига дахлдорлигини кучайтириш борасида кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.

Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон ўз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилиниши таъминлаш, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, ягона халқ бўлиб умуммиллий тўтувчи асосида аҳил-иноқ яшаб келаётгани ушбу конституциявий қоида-нинг амалдаги ифодасини намоён этмоқда.

Жорий йилда соҳада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган Президентимизнинг 1 та қарори, 1 та Фармони қабул қилинди. Жумладан, 2025 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган низоомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитасига умуммиллий тотувликни ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Мажлисида шундан келиб чиқиб, ушбу масала юзасидан Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмита раисининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



ТОШКЕНТ ҲАВОСИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Президентимиз томонидан куни кеча «Тошкент шахрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон имзоланди.

Ушбу ҳужжат халқимиз, айниқса, пойтахт аҳлига катта қувонч бағишлаши баробарида, эртанги кунга ишонч ва умидни янада кучайтирди. Негаки, унда мамлакатимиз бош кентининг экологиясини яхшилаш, ҳавоси мусаффолигини таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Қувонarli томони шундаки, Фармонда кўрсатилган вазифалар ижросига у эълон қилинган ондаёқ киришилди. Натижада Тошкент ҳавосида ўзгаришлар кузатила бошланди.

Бугуннинг гапи

— Хайрият, Тошкент ҳавоси бугун бир оз яхшиланди, — дейди тошкентлик боғбон Мирзаахмад Ризаев. — Чанг ва ғуборлар секин-аста кўтарилиб, энгил нафас ола бошлади. Бунимен Президент ташаббуси билан пойтахт экологиясини яхшилаш бўйича бошланган амалий чора-тадбирлар самараси, деб биламан.

Дарҳақиқат, ўтган ҳафтада бошланган пойтахт ҳавосининг юқори даражада ифлосланиш ҳолати узок мuddат сақланиб турши билан одамларни қийнаб қўйди. “Гидрометеорология” хизмати агентлиги буни ҳарорат инверсияси, яъни совуқ ҳаво устида илқ ҳаво муаллақ бўлиб, ҳаво қатламларининг аралашиб кетишига йўл қўймаслиги, ер яқинида зарарли моддаларнинг тўпланишига сабаб бўлиши билан изохлади. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси эса тез-тез такороланаётган бу муаммо ҳам табиий, ҳам антропоген омиллар таъсирида юзага келганини маълум қилди.

Шу пайтгача муаммонинг асосий сабаблари бот-бот айтилса-да, унинг ечими сари жиддий саъй-ҳаракатлар амалда сезилмаётган эди. Ана шундай бир пайтда давлатимиз раҳбарининг Фармони эълон қилиниши аҳолининг айна дилидаги гап бўлди. Ахир, унда ҳавонинг ифлосланишига сабаб бўлаётган барча омилни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар акс этган.

Кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар

Эндиликда Тошкент шахрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида экологик назорат янада кучайтирилади. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар қўрилади. Бу борада Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасига 2026 йил 1 мартга қадар муҳим вазифалар юклатилди.

Энг асосийси, Тошкент шахрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилиб, унга қўлаб ваколатлар берилди. Аввал қабул қилинган тегишли Фармон, қарор ва топшириқлар ижросини таъминлаш вазифаси ҳам унинг зиммасига юклатилди.

Ҳўш, махсус комиссия ўз ваколати доирасида қандай ишларни амалга оширади?

Махсус комиссия расмий манбасидан олинган маълумотларга қараганда, у қўрилиш ишларини амалга оширишга чеклов ва талаблар жорий қилиш, табиий чангланаш кучайган пайтда саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда чекловларни ўрнатиш ваколатига эга.

Шу билан бирга, махсус комиссия саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини филтрлар билан жиҳозлаш ҳамда “АИ-80” маркали бензиндан воз кечиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ижроси назоратини олиб боради. У томонидан қабул қилинган қарор ва кўрсатмалар барча давлат идоралари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Айтиш жоизки, махсус комиссия Тошкент шахридаги экологик вазиятни доимий таҳлил ва мониторингдан ўтказиш асносида унинг ёмонлашиш тенденцияларини прогност қилади. Эко-вазият мураккаблашган ҳолларда уни яхшилашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш бўйича таклифлар тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш ваколати берилди.

Сув ҳавзалари ва фавворалар кўпаяди

Иқлимшуносларнинг фикрича, шаҳар ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалардан бирига айланган қўрилиш ишлари энди тартибга олинади. Сабаби, қўрилиш майдонлари назорати кучайтирилади. Бир ҳафта ичида 500 м² ва ундан катта майдонларда комплекс текширувлар ўтказилиб, майдонларнинг камида 25 фоизи қўқаламзорлаштирилгани, сув пуркагичлар ўрнатилгани, кириш-чиқиш йўлларида автотранспорт гилдираклари ювиладиган ҳавзалар мавжудлиги ва материаллар брезент ёки ПВХ қоплама билан ёпилган ҳолда ташмиллаётгани текширилади. Чанг ва кумнинг ҳавога кўтарилишига йўл қўймаслик талаблари қатъий қузатув остига олинади.

Эндиликда катта қўрилиш майдонларида мониторинг станциялари мажбурий бўлади. Майдонни 1 000 м²дан ортик объектларда мониторинг ускуналарини ўрнатиш ва қўмита тизимига улаш қўрилишни давом эттиришнинг асосий шарти этиб белгиланди. Шунингдек, йўл бўйлари-

да дарак ва буталарни мунтазам ювиш, кўп квартиралар уйларида сўғориш учун резервуарлар ўрнатиш чоралари кўрилади.

Пойтахтда микроиклим барқарорлигини таъминлаш бўйича йирик лойиҳалар бошланади. Уч ой мuddатда шаҳарнинг тўрт йўналиши бўйлаб камида учтадан сунъий кўл ва сув ҳавзаси барпо этилади. Бундан ташқари, икки ҳафта ичида Тошкентдаги фавворалар сонини камида икки бараварга кўпайтириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилади.

Иссиқхоналарда рейдлар ўтказилмоқда

Таҳлилларга қараганда, кузқиш мавсумида шаҳар ҳавоси ифлосланишида иссиқхоналарнинг салбий таъсири катта бўлмоқда. Чунки айрим тадбир-

белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бир ҳафтада иссиқхоналарни табиий газ билан таъминлаш бўйича шартномалар тузилади.

Доимий онлайн назорат

Ҳужжат ижроси доирасида пойтахтда ҳаво ифлосланишини камайитириш учун ҳаво сифати мониторингини яхшиланади. Бунинг учун “Air Monitoring Uzbekistan” платформасига гидрометеорологик хизмат тизимидаги барча қузатув станцияларини, жумладан, янги ўрнатиладиган автоматик постларни улаш режалаштирилган.

Фармонга мувофиқ, атмосфера ҳавосининг PM2.5 каби майдан заррачалар билан ифлосланиш манбаларини аниқлашга ихтисослаштирилган махсус лаборатория ташкил этилади. У кос-

■ Тошкент шахрида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича махсус комиссия тузилиб, унга қўлаб ваколатлар берилди.

■ Махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарор ва кўрсатмалар барча давлат идоралари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

■ Майдони 1 000 м²дан ортик қўрилиш объектларида мониторинг ускуналарини ўрнатиш қўрилишни давом эттиришнинг асосий шарти этиб белгиланди.

■ Тошкент шахрининг тўрт йўналиши бўйлаб камида учтадан сунъий кўл ва сув ҳавзаси барпо этилади, фавворалар сони икки бараварга кўпайтирилади.

■ 2025 йил охиригача атмосфера назоратини тўлиқ модернизациялаш тадбирлари доирасида 347 та автоматлаштирилган станция харид қилинади.

корлар иситишда зарарли моддалардан фойдаланиш ҳоллари қўлаб учрамоқда. Шунинг учун иссиқхоналар бўйича назорат ҳам кескин кучайтирилади.

Махсус комиссиядан маълум қилинишича, айна пайтда Тошкент шахри ва Тошкент вилояти атрофида жойлашган иссиқхоналарнинг иситиш тизимларини қўздан кечириш мақсадида рейд тадбирлари ўтказилмоқда. Унга тегишли ташкилотлар ходимлари ҳам жалб этилган. Бундан қўзланган мақсад ноконуний печлар, ёқилғи сифатида ишлатётган автошиналар, филтрсиз мўрилар ва бошқа зарарли моддалар чиқарувчи ёқилғиларга қарши курашишдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, 200 м²дан ортик иссиқхоналарда чанг тарқатиш ва экологик талабларни бузиш билан боғлиқ қўнувчиликлар учун жарималар оширилади, ёқилғи ёқилиш ҳолатларида эса объектларни давлат фойдасига мусодара қилишни назарда тутувчи жиноий жавобгарлик тартиби жорий этилади.

Энергетика вазирлиги масъулларининг айтишича, Фармонда

— Президентимиз Фармони билан бу турдаги товарлар учун импорт божининг бекор қилинаётгани хориждан ҳаво тозалагичларнинг кенг ассортиментдаги импортини рағбатлантиради ва ички бозорда истеъмолчиларга товарларнинг мақбул нархларда етиб боришига йўл очади, — дейди Божхона қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари Хусан Тангриев.

Божхона қўмитаси маълумотларига қараганда, кейинги пайтда ҳаво тозалагичлар импорти мутасил ортмоқда. 2025 йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистонга умумий қиймати 1,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 18,1 минг дондан зиёд маиший ҳаво тозалагичлар келтирилган. Бу рақам ўтган йилнинг шу давридагига қиёсланганда импорт ҳажми 22 фоиз ошганини кўрсатади.

Маълумот ўрнида айтганда, ушбу турдаги товарлар, асосан, Хитой, Туркия, Германия, Россия, Нидерландия ва бошқа давлатлардан келтирилмоқда.

Фармонда пойтахт экологиясини яхшилаш, ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик ва осмонимиз мусаффолигини таъминлаш учун нафақат тезкор чора-тадбирлар, балки узок истиқбол кўзланган дастурий вазифалар ҳам қамраб олинган. Зотан, нафас олиб турганимиз — ҳавонинг тоза ва соғлиқнинг таъминланиши миллионлаб инсонларнинг саломатлиги ва ҳаёт-мамонт масаласидир.

Шу боис давлатимиз раҳбари тегишли ташкилот ва тузилмалар қаторида оммавий ахборот воситалари олдида ҳам муҳим вазифа қўйди. У ҳам бўлса, мавжуд экологик ҳолат, унинг аҳоли саломатлигига таъсири ва профилактика қилиш усуллари бўйича тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, аҳолининг хабардорлигини оширишдир. Бу ҳақда гап кетганда, “Халқ сўзи” газетаси айна шу масалага бағишланган туркум материаллар тайёрлаб, эълон қилиб келаётганини эслатиб ўтишимиз жоиз. Хусусан, газетамизнинг шу йил 21 октябрь сонида “Чанг-тўзонлар қўршовида қолаётган шаҳар” сарлавҳаси остида таҳлилий-танқидий мақола чоп этилди.

Минг афсуски, унда кўтарилган Тошкент шаҳри ҳавоси ва экологияси билан боғлиқ муаммолар, уларнинг ечими юзасидан қўйилган саволларга шаҳар ҳокимлигидан ҳам, собик Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигидан ҳам расмий муносабат ололмадик. Жўнатилган расмий хат ва сўровларимиз эътиборсиз қолдирилгани таассуфланарлидир.

Бинобарин, тоза ҳаво — умумий бойлик! Уни ифлослантиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Энди давлат бу масалада муросага келмайди. Бунимен айрим шаҳар ва масъуллар ҳам ақл тарозисига қўйиб, ўзларига тегишли хулоса чиқаради, деган умумлашмиз.

Саид РАҲМОН
(«Халқ сўзи»).

НАМАНГАНДА НИМА ГАПЛАР?

ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚАЁТГАН ШАҲАРЧА

Виллоят марказига йўлдош Янги Наманган шаҳарчаси “Бир миллионлик шаҳар” дея эътироф этилаётган Наманган учун жуда муҳим объект ҳисобланади: яқин келажақда ушбу шаҳарча 200 мингдан зиёд аҳолини ўз бағрига олади.



Унинг қўрилишида нафақат юртимиз бунёдкорлари, балки дунё миқёсида катта тажрибага эга хорижий ҳамкорлар ҳам фаол қатнашмоқда. Эндиликда яна бир йирик лойиҳа қўшилди. “China House” масъулияти чекланган жамияти томонидан 30 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан 2 гектар майдонда жами 16 та кўп қаватли тураржой биносидан иборат мажмуа барпо этилади.

Мазкур лойиҳа тақдиротида бағишланган маросимда “China House” вакиллари янги мажмуа ҳақида батафсил маълумот берди. Таъкидланишича, барпо этиладиган 8 та 12 қаватли, 8 та 9 қаватли уйларида умумий ҳисобда 1208 та хонадон жойлашади. Шунингдек, бу ерда савдо ва маиший хизмат мажмуаси, хизмат кўрсатиш комплекслари, ёпиқ сув ҳавзаси, соғломлаштириш ва дам олиш масканлари қўрилиши режалаштирилган.

Жорий йилда Янги Наманган шаҳарчасида 1 272 хонадонли 17 та кўп қаватли тураржой биносини барпо этиш мақсад қилинган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 10 таси битказилди ва 911 оилага замонавий хонадонлар тақдим этилди.

ТУХУМДАН КЕЛАЁТГАН ТУШУМ

Янги Наманган туманидаги Фурқат маҳалласида яшовчи Зокир Воҳидов бир неча йил аввал юрак хасталигига учраган эди. Ягона бовқувчи ишсиз қолган оила ўтказилган хатлов орқали ижтимоий реестрга киритилди. Беморнинг ўзи эса “маҳалла еттиликми” кўмағида кўрсатилган тиббий амалиётдан сўнг соғлом ҳаётга қайтди. Буёғига бўш юришини ўзига эп қўрмаган З. Воҳидов маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан маслаҳатлашиб, 10 миллион сўм имтиёзли кредит олади ва кичик ҳўжалигини йўлга қўйди.

— Паррандачилик етти хазинанинг бири дейишарди, шу гапнинг ростилигига энди ишондим. Товуқ боқа бошлаганимдан бери оиламизга даромад, хонадонимизга барака кирди, — дейди у манмуният билан. — Бугун товуклар сони 700 бошга етди. Улар тухумидан хонадонимизга кунига 300 минг сўмга яқин фойда кириб келяпти.

Ўзини ўзи банд қилган З. Воҳидов топиш-тутишига барқарор манба яратадиган шарофати билан унинг оиласи камбағиллик рўйхатидан чиқарилди. Эндиликда у кичик фермасидаги паррандалар сонини икки мингтага кўпайтириб, даромадини янада ошириш ҳаракатида.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАСИ

Учқўрғон туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг технологияларга қизиқиши юқори бўлган ўқувчилари — Нафиса Дилмуродова ҳамда Муаззам Набижонова томонидан атроф-муҳит кўрсаткичларини реал вақт режимида қузатиш ва фавқулодда ҳолатлар юзгага келиши эҳтимоли ҳақида олдиндан огоҳлантиришга мўлжалланган “Clima Sense” номли автоматлаштирилган қўрилма яратилди.



Мослама таркибига ўрнатилган сенсорлар ҳарорат, намлик, шамол кучи ҳамда бошқа метеорологик кўрсаткичларни аниқлик билан ўлчаб боради. Олинган маълумотлар “Arduino” ёки “ESP32” микроконтролатер ускуналари орқали қайта ишланади. Агар кўрсаткичлар олдиндан белгиланган меъёрлардан четга чиқса, тизим автоматик тарзда дисплейда огоҳлантирувчи маълумотни ёқди ҳамда бузер орқали овозли сигнал беради. Шунингдек, қўрилмага уланган SMS-модуль ёрдамида фойдаланувчига масофавий хабарнома бориши имконияти яратилган.

Инновацион тизимнинг амалий аҳамияти юқори бўлиб, метеорологик ўзгаришларни эрта аниқлаш орқали табиий офатлар хавфини камайитириш, экинлар учун оптимал микроиклим яратиш, иссиқхоналарда энергия самардорлигини ошириш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

2030 йилгача Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида миллий архитектура услубига асосланган замонавий аутлет марказлари ташкил этилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун оқушни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-йўй.
Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6